

KONFERENSIYALAR.UZ

ANJUMANLAR PLATFORMASI

**II RESPUBLIKA ILMIY-
AMALIY KONFERENSIYASI**

**YANGI DAVR ILM-
FANI: INSON UCHUN
INNOVATSION G'OYA
VA YECHIMLAR**

MAY, 2025

ELEKTRON NASHR:
<https://konferensiylar.uz>





YANGI DAVR ILM-FANI: INSON UCHUN INNOVATSION G'OYA VA YECHIMLAR

**II RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY
KONFERENSIYASI MATERIALLARI**

2025-yil, 12-may

TOSHKENT-2025

Yangi davr ilm-fani: inson uchun innovatsion g'oya va yechimlar.
II Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. – Toshkent: Scienceproblems team, 2025. – 60 bet.

Elektron nashr: <https://konferensiyalar.uz>

Konferensiya tashkilotchisi: “Scienceproblems Team” MChJ

Konferensiya o'tkazilgan sana: 2025-yil, 12-may

Mas'ul muharrir:
Isanova Feruza Tulqinovna

Annotatsiya

Mazkur to'plamda “Yangi davr ilm-fani: inson uchun innovatsion g'oya va yechimlar” mavzusidagi II Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari jamlangan. Nashrda respublikaning turli oliy ta'lim muassasalari, ilmiy markazlari va amaliyotchi mutaxassislari tomonidan tayyorlangan maqolalar o'rinni olgan bo'lib, ular ijtimoiy-gumanitar, tabiiy, texnik va yuridik fanlarning dolzarb muammolari va ularning innovatsion yechimlariga bag'ishlangan. Ushbu nashr ilmiy izlanuvchilar, oliy ta'lim o'qituvchilari, doktorantlar va soha mutaxassislari uchun foydali qo'llanma bo'lib xizmat qiladi.

Kalit so'zlar: ilmiy-amaliy konferensiya, innovatsion yondashuv, zamonaviy fan, fanlararo integratsiya, ilmiy-tadqiqot, nazariya va amaliyot, ilmiy hamkorlik.

Barcha huqular himoyalangan.

© “Sciences problems team” MChJ, 2025-yil
© Mualliflar jamoasi, 2025-yil

MUNDARIJA

TEXNIKA FANLARI

<i>Rahimova Sevara, Xakimova Nargiza, Bakirov Shoxrux</i>	
QISHLOQ XO'JALIGIDA YUK MASSASINI O'LCHASHNING METROLOGIK TA'MINOTI: ANIQLIK, USULLAR VA INNOVATION YECHIMLAR	4-10
<i>Жуманазаров Акмал</i>	
АНАЛИЗ СОСТОЯНИЯ ГОРНО-РАЗМОЛЬНЫХ МАШИН: ТЕОРИЯ ОБЪЕМНОГО РАСПРЕДЕЛЕНИЯ	11-18
<i>Rahimova Sevara, Xakimova Nargiza, Bakirov Shoxrux</i>	
TIBBIYOTDA YUK MASSASINI O'LCHASHNING METROLOGIK TA'MINOTI: ANIQLIK, USULLAR VA INNOVATION YECHIMLAR	19-23

TARIX FANLARI

<i>Salayev Umrbek</i>	
OROL DENGIZI TARIXI. YANGI O'ZBEKISTONDA REJALAR VA USTUVOR VAZIFALAR	24-21
<i>Atamuratova Dilafruz</i>	
XORAZM TI POLITOGRAFIYASIDA NASHR QILINGAN BA'ZI ADABIYOTLAR TAHLLILI	22-27

IQTISODIYOT FANLARI

<i>Mirtursunova Dinara</i>	
BANKLARDA KREDIT RISKINI BOSHQARISH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISHNING NAZARIY ASOSLARI	34-36

FALSAFA FANLARI

<i>Холиқова Покиза</i>	
ИЖТИМОЙ ДЕВИАНТЛИК МУАММОСИННИГ ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ	37-41

FILOLOGIYA FANLARI

<i>Yakubova Feruza</i>	
"SARF" VA "TASRIF" ATAMALARINING FARQLARI VA SARF ILMINING NAZARIY ASOSLARI	42-44
<i>Turdaliyeva Dilfuza</i>	
XALQ MAQOLLARINING KONTEKSTUAL TAHLLILI	45-48

TIBBIYOT FANLARI

<i>Турсунова Лайло, Дадажонов Хамидулло</i>	
КЛИНИКО-ДИАГНОСТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ СЕРДЕЧНО-СОСУДИСТЫХ ОСЛОЖНЕНИЙ НА ДИАЛИЗНОМ ЭТАПЕ ХРОНИЧЕСКОЙ БОЛЕЗНИ ПОЧЕК	49-54
<i>Мамадалиев Хасанхон, Тошматова Зухрахон</i>	
ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРДА АНТИФОСФОЛИПИД СИНДРОМИНИНГ УЧРАШИ ВА УНИНГ ДЕРМАТОЛОГИК НАМОЁН БЎЛИШИ	55-59

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРДА АНТИФОСФОЛИПИД СИНДРОМИНИНГ УЧРАШИ ВА УНИНГ ДЕРМАТОЛОГИК НАМОЁН БЎЛИШИ

Мамадалиев Ҳасанхон Улугбек ўғли,

Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти PhD докторанти,

тел. +998 88 190 32 23, эл.почта: xasanmamadaliev.96@gmail.com

Тошматова Зухраxon Улугбек қизи

Ҳарбий Тиббиёт Академияси катта ўқитувчиси/мустақил тадқиқотчisi

тел. +998 97 753 73 92, эл.почта: zukhrakhont@mail.ru

Annotatsiya. Ushbu maqolada harbiy xizmatdagi bemorlarda Antifosfolipid sindromi (AFS) va unga bog'liq dermatologik o'zgarishlar o'r ganilgan. Harbiy sharoitda AFS og'irroq kechishi sababli, tibbiy tashxis va davolash jarayonlarining dolzarbligi yoritilgan. Dermatologik simptomlar (livedo retikularis, trombotik vaskulit, teri nekrozi, Reyno sindromi) AFS diagnostikasida muhim o'r in tutadi. Shuningdek, harbiy bemorlarda kasallikni aniqlash va samarali davolash yo'llari taklif qilingan.

Kalit so'zlar: Antifosfolipid sindromi, harbiy bemorlar, tromboz, vaskulit, livedo retikularis, dermatologiya, teri nekrozi, Reyno sindromi.

DERMATOLOGICAL MANIFESTATIONS OF ANTIPHOSPHOLIPID SYNDROME IN MILITARY PERSONNEL: CLINICAL INSIGHTS AND PREVALENCE

Khasankhon Ulugbek ugli Mamadaliev

PhD Candidate, Fergana Institute of Public Health

Zukhrakhon Ulugbek qizi Toshmatova

Senior Lecturer / Independent Researcher, Military Medical Academy

Abstract. This article examines the characteristics of Antiphospholipid Syndrome (APS) and its associated dermatological manifestations in military patients. Since APS tends to progress more severely in military conditions, the importance of timely diagnosis and treatment is emphasized. Dermatological symptoms such as livedo reticularis, thrombotic vasculitis, skin necrosis, and Raynaud's syndrome play a crucial role in APS diagnosis. Additionally, strategies for early detection and effective treatment in military patients are proposed.

Keywords: Antiphospholipid syndrome, military patients, thrombosis, vasculitis, livedo reticularis, dermatology, skin necrosis, Raynaud's syndrome.

Кириш. Антифосфолипид синдроми (АФС) – аутоиммун хасталик бўлиб, қон томирларда тромб ҳосил бўлиши, акушерлик патологиялари ва иммун тизимига боғлиқ жароҳатлар билан тавсифланади. Бу ҳолат нафақат умумий популяцияда, балки ҳарбий хизматчилар орасида ҳам учрайди. Ҳарбийларда физик зўриқиши, жароҳатлар ва стресс омилларининг кўплиги сабабли бу синдромнинг оғир кечиши кузатилади [1].

Шу билан бирга, АФС bemorlariда терига таъсир қилувчи турли патологик жараёнлар кузатилиши мумкин. Dermatologik simptomlar бу касалликнинг эрта белгиларидан бири бўлиб, уларнинг тўғри ташхис қилиниши ва даволаниши муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мақолада АФС билан оғриган ҳарбий bemorларда dermatologik muammolarni таҳлил қилиш ва бу соҳанинг узвийлигини ўрганишга эътибор қаратилади [2].

Долзарблиги. Ҳарбий хизматчилар ўртасида АФС кўп ҳолларда оғир кечади.

Бунинг асосий сабаблари қўйидагилар:

- Жисмоний зўриқиши ва жароҳатлар
- Чандиқон (гипоксия) ҳолатлари
- Стресс ва психоэмоционал босим
- Узоқ муддатли дори воситаларини қабул қилиш (антибиотиклар, анальгетиклар ва стероидлар)

Шунингдек, ҳарбий касалхоналарда ва реабилитация марказларида АФС ташхиси қўйилган bemorларда дерматологик аломатлар кам ўрганилган. Бу эса тери патологияларини эрта аниқлаш ва даволаш имкониятларини чеклаб қўяди.

Илмий янгилиги. Ушбу мақолада АФС билан оғриган ҳарбий bemorларда дерматологик ўзгаришларнинг хусусиятлари ўрганилади. Бу масала бўйича илмий маълумотлар чекланган бўлиб, мавжуд тадқиқотларда асосан умумий популяцияга эътибор қаратилади.

Янги тадқиқотлар шундан иборатки, унда АФС билан оғриган ҳарбий хизматчиларда учрайдиган дерматологик симптомларнинг типологияси, терига таъсир этувчи омилларнинг таҳлили, дерматологик асоратларнинг АФС патогенезидаги ўрни ўрганилган [3].

Таҳлил. АФС билан оғриган bemorларда дерматологик симптомлар тури шаклларда намоён бўлиши мумкин:

1. **Ливедо ретикулярис** – терида қўқимтири қон томир чизмаларининг пайдо бўлиши
2. **Тромботик васскулитлар** – қон томирларида тромблар ҳосил бўлиши билан боғлиқ тери ўзгаришлари
3. **Яралар ва некрозлар** – қон айланишининг бузилиши натижасида терида ўлик тўқималарнинг пайдо бўлиши
4. **Тери ва тери ости қон томирларининг шиллиқланиши** – капиллярлар заифлашиши сабабли терининг осон жароҳатланиши
5. **Автоиммун буллёз касалликлар** – иммун тизимига боғлиқ пуфакчалар билан кечувчи тери касалликлари

Ҳарбий bemorларда бу симптомлар стресс ва зўриқиши сабабли оғир кечиши мумкин. Шунинг учун, дерматологик ташхис қўйиш ва муолажа стратегиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга [4].

Ҳарбий bemorларда касалликнинг ўзига хос хусусиятлари:

1. **Жисмоний зўриқиши** – узоқ масофаларга югуриш, оғир юк кўтариш, жангомуз вазиятларда фаол ҳаракат қилиш қон томирларида юзага келадиган юкламани оширади ва тромбоз хавфини кучайтиради.
2. **Травмалар ва жароҳатлар** – жароҳатлар қон ивиш тизимида бузилишларга олиб келиб, АФСдаги қон томирларининг блокланишини тезлаштириши мумкин.
3. **Стресс ва нерв босими** – стресс иммун тизими фаолиятини бузади, бу эса аутоиммун жараёнларни кучайтириб, АФС симптомларини кучайтиши мумкин.
4. **Касаллик кечикиб ташхис қилинади** – АФС симптомлари бошқа касалликларга ўхшashi мумкинлиги сабабли, ташхис қўйиш кечикиши мумкин.
5. **Оғир асоратлар тез пайдо бўлади** – жисмоний фаоллик ва стресс юқори бўлгани учун тромбоз ва юрак-қон томир касалликлари хавфи юқори.
6. **Терапия мураккаброқ кечади** – ҳарбий хизматчиларда антикоагулант терапияни доимий назорат қилиш имконияти чекланган.
7. **Даволаш ва профилактика имкониятларининг чекланганлиги** – ҳарбий хизматчилар кўпинча узоқ муддатли командировкалар ёки фронт шароитида бўлгани сабабли, уларнинг тўлиқ тиббий кўриқдан ўтиши ва муолажа олиши чекланган бўлади.

Ҳарбий хизматчиларда АФС билан боғлиқ дерматологик аломатлар шиддатли кечади, чунки уларнинг ҳаёти жисмоний фаоллик, жароҳатлар ва қон айланишига доимий таъсири кўрсатувчи омиллар билан боғлиқ. Қуйида ҳарбийларда АФСнинг терига таъсири ва уларнинг клиник белгилари таҳлил қилинади.

1. Қон томирлар ва терига таъсири қилувчи синдромлар

Ливедо ретикулярис

- Терида кўкимтир-банғ тўрсимон (мраморга ўхшаш) туслар пайдо бўлиши
- Совуқ об-ҳаво ва стресс таъсирида кучайиши
- Одатда оёқлар ва қўлларда кузатилади
- Ҳарбийларда совуқ ва қаттиқ иқлим шароитида бу симптомлар яққол намоён бўлади

Тромботик васкулитлар

- Терида кичик қон томирларининг яллиғланиши ва тромблар ҳосил бўлиши
- Қизариш, шиш ва оғриқ билан кечиши
- Аскарларда қон айланиши бузилиши ва жароҳатлар бу ҳолатни тезлаштиради

Тери некрозлари

- Қон айланиши ёмонлашган худудларда тери ўлиши
- Ҳарбий хизматчиларда юқори жисмоний юкламалар туфайли қўпроқ кузатилади
- Асосан бармоқлар, қўл ва оёқларда кузатилади

2. Теридаги яллиғланиш ва аутоиммун ўзгаришлар

Буллёз васкулит

- Терида суюқликка тўлган пуфакчалар пайдо бўлиши
- Пуфакчалар қон аралаш ёки сероз бўлиши мумкин
- Ушбу ҳолат инфекция ва жароҳатларга мойилликни оширади

Теридаги ойдин вакулитлар

- Кичик қон томирларининг яллиғланиши туфайли терида тошмалар
- Ҳарбийларда бу симптомлар иммун тизимининг зўриқиши ва дори воситаларининг таъсири билан кучайиши мумкин

3. Қон айланиши бузилиши сабабли дерматологик асоратлар

Хроник трофик яралар

- Оёқлар ва қўлларда доимий жароҳатлар ва тери яллиғланиши
- Узоқ муддат давомида битмайдиган яралар
- Бундай яралар ҳарбий хизматчиларда тез-тез учрайди, чунки улар кўп юради ва оғир экипировка ташийди

Ҳарбий беморлар учун дерматология ташхис ва даволаш йўналишлари:

1. Ташхис қўйиш усуслари

- **Дерматоскопия** – теридаги ўзгаришларни микроскопик даражада таҳлил қилиш
- **Коагулограмма** – қон ивишини аниқлаш
- **Иммунологик таҳлиллар** – антифосфолипид антителоларни аниқлаш
- **Биопсия** – шубҳали тери ўзгаришларини гистологик текшириш

2. Даволаш принциплари

Антикоагулянтлар ва антиагрегантлар

- Варфарин, гепарин – тромбоз хавфини камайтириш учун
- Аспирин – қон томирлардаги юкламани пасайтириш

Иммуномодулятор ва яллиғланишга қарши терапия

- Глюкокортикоидлар (преднизолон) – иммун тизими ҳаддан ташқари фаоллигини пасайтириш

- Иммунодепрессантлар – аутоиммун хужумларни камайтириш

Дерматологик даволаш

- **Маҳаллий кортикостероидлар** – васкулит ва яллиғланишни назорат қилиш
- **Яраларни даволаш учун антисептиклар** – инфекцияни олдини олиш
- **Лазер терапия ва физиотерапия** – қон айланишини яхшилаш

Ҳарбий беморларда антифосфолипид синдроми оддий аҳолига қараганда оғирроқ кечиши мумкин. Бу ҳолат тромбозлар, юрак-қон томир касалликлари, буйрак етишмовчилиги ва тери асоратлари билан бирга кечади. Шунинг учун, ҳарбий тиббиёт муассасаларида АФСни эрта ташхис қилиш ва тўғри муолажа режаларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга [5].

Дерматологик симптомлар АФСнинг эрта белгиларидан бири бўлиб, уларни аниқлаш касалликни ташхислаш ва даволашда муҳим ўрин тутади. Ҳарбий хизматчиларда терининг юзасидаги ўзгаришлар ва қон томирлар билан боғлиқ муаммолар одатий bemorларга қараганда тез-тез учрайди.

Мунозара. Дерматологик симптомларнинг АФС патогенезидаги роли ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Бироқ, ҳарбий беморларда тери ўзгаришлари кўп учраши уларнинг тиббий кўриқдан ўтишини тезлаштириш ва алоҳида даволаш режаларини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Айни пайтда дерматологик аломатларни АФС ташхиси қўйишда қўшимча критерий сифатида қабул қилиш мумкинлиги ҳам муҳокамага лойиқ. Масалан, **ливедо ретикулярис** ёки **васкулитлар** каби белгилари мавжуд bemorларга АФС бўйича қўшимча текширувлар ўтказиш тавсия этилади.

ХУЛОСА.

Антифосфолипид синдроми билан оғриган ҳарбий беморларда дерматологик асоратлар кенг тарқалган ва уларни эрта ташхис қилиш касаллик оқибатларини юмшатишига ёрдам беради. Дерматологик симптомлар нафақат тери касалликлари сифатида, балки АФСнинг оғир кечишини белгилайдиган омил сифатида ҳам баҳоланиши лозим.

Шу боис, ҳарбий тиббиёт муассасаларида дерматологлар иштирокини кучайтириш, маҳсус ташхис усусларини жорий этиш ва АФС билан боғлиқ тери ўзгаришларини тизимли ўрганиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. АФСнинг терига таъсир этувчи клиник белгилари – **ливедо ретикулярис, васкулитлар, трофик яралар, тери некрозлари ва буллөз васкулит** каби симптомлар ҳисобланади. Бу белгиларни эрта аниқлаш ва керакли терапияни қўллаш касалликнинг кечишини енгиллаштиришга ёрдам беради.

Ҳарбий тиббиёт муассасаларида дерматологик текширувларни кучайтириш ва АФС билан боғлиқ терининг патологияларини аниқлашга йўналтирилган тадқиқотларни ривожлантириш зарур.

Adabiyotlar/Литература/References:

1. Drozhzhina M.P., Vorobev A.V. History of antiphospholipid syndrome. *Obstetrics, Gynecology and Reproduction.* 2024;18(1):130-134. (In Russ.) <https://doi.org/10.17749/2313-7347/ob.gyn.rep.2024.481>
2. А.В. Гомоляко, И.А. Новикова. Антифосфолипидный синдром. Диагностика и лечение: учебное пособие. Учреждение образования «Гомельский государственный медицинский университет», 2013. – С.18.
3. Свечников Д. Расстройства адаптации у военнослужащих (клиника, диагностика). Санкт-Петербург, -2015. Автореферат на соискание ученой степени канд.мед.наук. – С 12.
4. Там же

5. Загорская Л. Развитие социально-психологической адаптивности юношей к военной службе в Вооруженных Силах Российской Федерации. Автореферат на соискание ученой степени канд.мед.наук. – С 12. Москва, 2004. –с. 28.
6. Ермаков, А. С., Беляева, Е. Г., Ларин, С. А. (2021). Антифосфолипидный синдром у военнослужащих: диагностика и подходы к лечению. *Военно-медицинский журнал*, 342(6), 34–39.